

O'ZBEKISTON

OVOZI

IJTIMOIIY-
SIYOSIIY
GAZETA



• 2005-yil • 29-oktabr • Shanba • 133 (27.468) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan.

Мустақиллик иншоотлари

Уфқа туташиб кетган Устюрт кенгликларидида бугун том маънода ҳаёт қайнайди. Беповён сахро қўйнида бунёд этилган Элобод — мўъжазгина ишчилар шаҳарчасида кўлқаватли уйлар қад ростлаб, мактаб, болалар боғчалари, машиий хизмат шохобчалари фаолият кўрсатмоқда. Табиий газ, тоза ичимлик суви, алоқа хизмати — бари мухайё.


Ана шундай қиёфа касб этган Устюртнинг Кийиксойида йирик саноят иншоотларидан бири — Кўнгирот сода заводи бунёд этилмоқда. Мамакатимиз санояти учун жуда зарур хомашё — йилга 100 минг тонна кальцийли сода ишлаб чиқариш қувватига эга бўладиган ушбу корхона тез кунларда фойдаланишга топширилади.

Бугун заводнинг асосий ишлаб чиқариш бўғинлари — биокарбонат, кальцивирлаш, оҳак куйдириш ва сундириш, туз эритмасини тозалаш цехлари, техникавий ва ичимлик суви таъминоти, иситиш қозонхоналари ишлаш учун тахт ҳолга келтирилди.

Корхонани бунёд этишда Хитойнинг «СИТИК» компанияси мутахассислари, «Узмонтажма-сукурилли» уюшмасига қарашли ташкилотлар, «Қорақалпоқ-саноятфурқорилиши», «Қорақалпоқдехқонқурилиши», «Орол-сувқурилиши» бинокларининг хиссаси салмоқли бўлмоқда.

Мамакатимизнинг энг йирик иншоотлари қурилишида фаол иштирок этаётган «Тошпўлат-монтаж» қурилиш бошқармасининг Бахтиёр Отажонов раҳбарлик қилаётган бригадаси бунёдкорлари учун саҳронинг изгирин соғуғи, жазирама иссиғи-ю кўзни очирмайдиган бўронлари писанд бўлмай қолди.

Бригаданнинг етакчи пайванд-




УСТЮРТНИНГ УЛКАН ЗАВОДИ

чилари Тохир Холмуродов, Абдулахад Абдуқайумов қаторида таҳиятошлик Мирзабой Урозбоев, чимбойлик Шарапатдин Қорабеков, нукуслик Мақсет Хўжамбергенов ҳам фидокорлик намуналарини кўрсатишди.

Бугунги кунда корхонанинг ишлаб чиқариш бўлимлари деярли тайёр ҳолга келтирилди. Барча цехлар техник ишлаб чиқариш синовидан ўтказилди. Завод ишлаб чиқарадиган маҳсулотга эса мамакатимизнинг кимё саноятида талаб катта. Айниқса, шийа ишлаб чиқаришда унинг аҳамияти муҳим. Шу боис, Қувасой шийа заво-

ди буортмачилар рўйхатининг бошида турибди.

Корхона самарали фаолият кўрсатиши кўп жиҳатдан малакали кадрларга боғлиқ. Бу ерда бир ярим минг киши иш билан таъминланади. Малакали хо-



Суратларда: хитойлик бир гуруҳ мутахассислар; завод қурилишидан кўриниш; механик Ван Шуфан. Бердиниёз АЛЛАШЕВ (ЎЗА) олган суратлар.

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

РАМАЗОН ҲАЙИТИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Муборак Рамазон Ҳайитининг халқимиз маънавий ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини эътиборга олиб ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Рўза Ҳайитини дам олиш кунидеб эълон қилиш тўғрисида» 1992 йил 27 мартдаги ПФ-368-сон Фармониға мувофиқ:

инобатга олиб, 2005 йил 3 ноябрь дам олиш нусхада тайёрланадиган байрам сифатида кенг нишонлансин.

1. 2005 йилда Рамазон Ҳайитининг биринчи кунидеб 3 ноябрь тўғри келиши ҳақида Ўзбекистон мусулмонлари идораси мурожаатини

2. Мугасадди идора ва жамоат ташкилотлари Рамазон Ҳайитининг жойларда тартибли ва оқори даражада ўтиши учун тегишли тадбирларни амалга оширсинлар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ
Тошкент шаҳри, 2005 йил 27 октябрь.

Партия билети қандай бўлиши керак? СУРАТСИЗ БЎЛСА...

Янги кўринишдаги партия билети пишқ, мустаҳкам, чиройли, кўркем бўлиши, ранги эса яшил бўлиб, сифатли материаллардан тайёрланиши керак. Ундаги ўзувларни ҳам пухта ўйлаб кўриш лозим.

Партия билетлари учун аъзолардан суратларни олишда қийинчиликлар бўлаётганлиги боис, партия билетла-

ри расмсиз бўлса. Агар янги нусхада тайёрланадиган партия билетлари суратсиз бўлса, турли сабабларга кўра рўйхатдан ўчирилган партия аъзоларининг ўрнини тўлдириш ва мустаҳкамлаш осон кечади.

ЮТУҚЛАР КЎП, МУАММОЛАР ҲАМ БОР

Қашқадарё вилоятини 2005 йилнинг тўққиз ойиде ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якуналари, иқтисодий эркинлаштириш юзасидан кўрилаётган чораларнинг самарадорлиги, ислохотларни жорий этишда давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларининг масъулиятини оширишга бағишланган фаоллар йиғилиши бўлиб ўтди.

Уни Қашқадарё вилояти ҳокими Н.Зайниев олиб борди.

наётганлиги ҳам сир эмас. Партия билетларига бепарволик билан қараш мумкин эмаслигини, у партия аъзоларининг ўзида сақланиши зарурлигини, партия билети гурур ва ифтихор рамзи бўлиб хизмат қилиши кераклигини партия аъзоларига тушунтириш лозим.

Йиғилишда таъкидланганидек, ўтган давр мобайнида вилоят иқтисодий ҳаётида ўсишнинг оқори суратлари таъминланди. Ялпи ички маҳсулот ҳажми 6,5 фоизга, саноят маҳсулотлари ишлаб чиқариш 1,7 фоиз, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш 10,8 фоиз, ялпи қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари 10,6 фоиз, чакана савдо айланмаси 9,1 фоиз, пуллик хизмат кўрсатиши 22,6 фоизга ошди.

Маҳаллий бюджет даромадлари 103,6 фоизга бажарилди ва белгиланган режаға нисбатан 4,5 миллиард сўм қўшимча маблағ туширилди. Бюджет маблағларининг 57 фоизи маориф, соғлиқни сақлаш соҳаларига йўналтирилди.

муаммолар, камчиликлар танқидий руҳда атрофлича муҳокама қилинди. Хусусан, коммунал хизматлар сифатининг пастилиги ва бу борадаги тўловларни ўндирши ишларининг талаб даражасида эмаслиги натижасида газ бўйича қарздорлик 1,2 миллиард сўмға етган. Аҳолининг коммунал тўловлардан қарздорлиги айниқса Шаҳрисабз, Китоб, Муборак туманларида ошиб бормоқда.

Тадбиркорлик субъектлари учун солиқларнинг камайитрилиши, уларда ўтказиладиган текширишларни тартибға солиш ва тақдим қилинадиган молиявий ҳисоботлар сонини қисқартриш юзасидан кўрилган чоралар натижасида кичик бизнес корхоналарининг сони 18 фоизга кўпайди. Кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши эса ўтган йилнинг шу давриға нисбатан 1,4 фоизга ортди.

Давлат эҳтиёжлари учун 460 минг тоннадан зиёд оқори навли пахта хомашёси сотилди. Унинг қарийб 80 фоизи фермерлар улушиға тўғри келмоқда.

Чорвачиликни ривожлантиришда дехқон ва фермер ҳўжаликларининг имкониятларини тўлиқ фойдаланилмаётгани. Чорва моллари сотиб олиш учун ажратилаётган микрокредитлар етарли эмас. Озуқа базасини яратиш, наслчилик ишларидаги камчиликлар, тайёрловчи ва қайта ишловчи корхоналар фаолиятининг талаб даражасида эмаслиги ҳам соҳа ривожига тўсиқ бўлмоқда.

Бугунги кундаги долзарб масалалардан бири — аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадига 49 мингга яқин, шу жумладан хотин-қизлар учун 20 мингдан зиёд янги иш жойлари ташкил қилинди.

Йиғилишда ютуқлар билан бирға, коммунал хизмат кўрсатиш, хусусийлаштириш дастурининг бажарилиши, чорвачилик ва бошқа соҳалардаги ўз ечимини кутаётган

Фасоллар йиғилишида барча соҳаларда йўл қўйилаётган камчилик ва нуқсонлар таҳлил қилиниб, уларни бартараф этиш юзасидан тегишли тадбирлар белгиланди.

А.МУҲАММАДИЕВ, ЎЗА мухбири

СУВ ТАЪМИНОТИ ЯХШИЛАНМОҚДА

Қадимий Нурота шаҳри аҳолиси азал-азалдан ер ости булоқлари — чашмалар сувини ичиб келади. Аҳоли сони кўпайиб, шаҳар ҳудуди кенгайиши билан янги маҳалаларда ичимлик суви таъминоти юзага кела бошлаган эди. «Об-ҳаёт-ЛТД» корхонаси қурувчилари шаҳар четидеги Мустақиллик маҳалласида муаммоға нуқта қўйди: юздан зиёд хонадон-

га тоза ичимлик суви етказиб берилди. Шу йилнинг ўтган даврида тумандаги «Қизилча» қишлоғи аҳолиси ҳам тоза ичимлик сувидан баҳраманд бўлди. Бу ишни 12 километрдан зиёд масофаға сув қувурлари торган бунёдкорлар шараф билан эди.

Эрқул УМАР, ЎЗА мухбири

ИСТЕЪМОЛЧИ ҚЎЛЛАНМАСИ

Бугунги кунда «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун амал қилмоқда. Унда истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳар томонлама ҳуқуқий ҳимоя қилиш чора-тадбирлари белгилаб қўйилган. Шунини айтиш керакки, қонунни қабул қилиш ишининг бир босқичи, холос. Энг муҳими, унинг ижросини таъминлашдан иборат. Ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти шакллантирилаётган ҳозирги даврда фуқаролар ўз ҳуқуқларини библишлари ва мажбуриятларини бажара олишлари керак. Бу борада Ўзбекистон Республикаси «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунга эътибор қаратиш керак.

Пойтахтимиздаги «Debetan Silk Road Tashkent» меҳмонхонасида мазкур қонун шарҳининг китоб шаклидаги наشري тақдимиға бағишланган семинар бўлиб ўтди.

Тақдирот маросимини очаркан, Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорлиқни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг расиси Галина Саидова 1991 йилда қабул қилинган «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуннинг аҳамиятини таъкидлаб, унинг истеъмолчилик муносабатларига оид қонунчилигини шаклланишида илк қадам бўлгани тўғрисида сўз юритди.

Тошкент давлат юридик институтининг ўқитувчиси Жаҳонгир Бобоев қонун шарҳи билан се-

минар иштирокчиларини батафсил таништириб, уни ёзишда суд амалиёти ва хоржий адабиётлардан кенг фойдаланилганлигини таъкидлади. Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) Сайёра Рашидова ўз нутқидеги инсон ҳуқуқлари масалалари бўйича қонунчилик характериға эға бўлган амалий қўлланмани ишлаб чиқиш муҳимлигиға эътибор қаратди. Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси расиси вазифасини бажарувчи Рустам Ҳакимовнинг федерация томонидан истеъмол-

Ҳаёт йўлида биринчи масала — мактаб масаласидир

ТАШАБУСУДА ҲИҚМАТ БОР

Утган ўқув йилида мактабларимизнинг савий-ҳаракати билан қўшимча 56 миллион сўм маблағ топилди, — дейди туман халқ таълими бўлими маркетинг хизмати бошлиғи Мамаоали Бокиев. — Ушбу маблағ мактабларнинг ер участкаларидеги етиштирилган мева, терак ўстириш, нон ва қондтер маҳсулотлари ишлаб чиқариш эвазига топилди, асосан ички эҳтиёжларға, мактаблар моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, кам таъминланган оилалар фарзандларини қўллаб-қувватлаш ҳамда илгор ўқитувчиларни рағбатлантиришға сарфланапти.

Уқувчи мактаб бағридаёқ тадбиркорлик ва ишбилармонлиқни ўрганса қандай яхши. Тадбиркор бўлиш учун эса ҳар бир инсон ёшлиғидеги бирор хунарни пухта эғаллаши зарур. Ҳозирги пайтда туман тўғраги ташкил этилган. Уларда 691 нафар ўқувчи тикувчилик, қосибчилик, рассомчилик, кулчилик каби хунар сирларини эғалламоқда. Бу тўғрақларға кўпроқ воғна етмаган, тарбияси оғир болалар жалб қилинган

бўлиб, келгусида бу ишларни янада ривожлантириш қўлланмоқда.

— Жорий ўқув йили Халқ таълими вазирлиғи томонидан «Таълим муассасалари — оила — маҳалла ҳамкорлиғи» ўқув йили деб номлангани боис мазкур йўналишда ҳам қатор ишларни амалга оширишни режалаштирганмиз, — дейди туман халқ таълими бўлими мудири Иқболжон Маматқулов. — Бунинг учун туманимиздаги маҳалалар билан биргалликда ҳар хил тадбирларни ўтказиш, ҳамкорликни ривожлантириш истиқболларини белгилаб олдик.

Дарҳақиқат, бугунги кунда бу каби савий-ҳаракатлар туфайли эришилётган ютуқларни вилоятнинг бошқа туманлари мисолида ҳам кўриш мумкин. Муҳими, юқоридеги ташаббусларни келгусида янада ривожлантириш, вилоятда ўқувчиларға таълим билан узвий равишда хунар ўргатиш ҳам асосий мақсадлардан бири деб белгиланган.

Аҳмадилло СОЛИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири
Суратда: Қўрғонтепа туманининг Мовқир қишлоғидаги 261 ўринли 22 ўрта мактаб биноси. Азаматжон ТОШМАТОВ олган сурат.

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HAMKOR!
Tel: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI

ALOQABANK — aniq, tez, ishonchli!
Tel: 152-78-74, 152-78-75, 134-75-57; Faks: 152-78-04
WWW.aloqabank.uz E-mail: info@aloqabank.uz

Бугуннинг қахрамонлари

Қурултой давом этарди, оралиқда танлаш... Сиз у билан яхшилаб гаплашинг, кейин... менга раҳмат айтасиз...

ликса, руҳан эзилса, қаттиқ шамолласа, грипп билан оғривса тез силга чалинади. Олима ўйланб қолди. Буларнинг бари бор гаплар. Аммо фанда бундан илмий асослаб бериш керак.



Унинг боши қотди: бу мавзуда илмий излашни «очилмаган кўриқ»га ҳамладарий гап... «Харакат қиламан» деди-ю, дилдан ўхар бир ўй ўтди «Уддалайман!».

САЛОМАТЛИК САОДАТИ (ОЧЕРК)

ва албатта, сипо кийинган аёл сиймоси кўз ўнгимда гавдаланарди. Қаршимда эса ёшгина, чиройли, жуссаси ихчам, замонавий кийинган аёл турарди...

лай олмади, у иккиланарди. Баҳодир Эшоннинг рафиқасининг безовталигини дарров сездим. «Иккиланасизми?» деди у.

Самимият сўхбатимизга ўт қалади... Наргиза 1959 йили зиёлилар хонадонига дунёга келди. Отаси Нурсат Аъзамович Парпиев кимёгар олим, академик. Онаси Хамида Абдуллаева ҳам кимёгар, доцент, узок йиллар Тошкент политехника университетиде ўқувчилик қилди.

Олимпикнинг остонаси, асли меҳнат, ҳалол тер тўкишдан бошланади. Дарҳақиқат, ҳаммаси шундай бошланди. У гайрат билан илмий ишга шўнғиди, кундан кун билан бемор бўлиб, муолажа қилади, натижа чиқмас яна бошдан бошлайди.

1976 йил ўрта мактабни тамомлаб, Тошкент Давлат тиббиёт институти (ҳозирги Тошкент тиббиёт академияси)нинг даволаш бўлимига ўқишга кирди. 1982 йили институти имтиёзли диплом билан тугаллаб, пойтахтдаги 1-шаҳар клиник шифохонасининг пульмонология бўлимида врач-ординатор бўлиб ишлаб бошлади.

Тунда қизчанинг тана ҳарорати кўтарилиб кетди, хонадонда ҳамма ташвишга тушиб қолди. «Эртароқ ишдан қайтсам шу кўргилик йўқ эди...» она изтиробга тушди. Бугун оила оёққа туриб кетди, чоп-чоп бошланди.

Захматли кунлар, бедор тунар ортда қолди. У илмий тадқиқотларини якунлаб, 1993 йилда номзодлик диссертациясини ёқлади. Наргиза ўзининг умр чорраҳасини ички бир ҳаяжон билан эслади.

Кўзига қуш уйку энган Наргиза телефон қўнғирининг жиринглашидан чўчиб ўйғонди. Турмуш ўртоғининг «ўзим...» деганига қарамай ағил-тапил ўрнидан турди. «Алло... Мен навбатчи врачман, Наргиза Нурсатова, «беморнинг» сизни сўраётти, аҳоли яна...» У иккиланиб қолди, қизалоғи ётан хонага ола-зарарланди.

Дунё бўйича аҳоли орасида шу касаллик ортапти. Ер юзиде 160 миллион нафар одам қандли диабетдан азият чекади. Илмий кузатишларга қараганда, 25 йилдан кейин бу кўрсаткич икки бараварга ортishi мумкин экан.

Сил одам организмнинг, тирноқ ва сочдан ташқари ҳамма тана аъзосида учрайди. Одамлар орасида сил давосида дард, деган нотўғри тушунча бор. Агар мақсадли муолажа олинса, бемор бу дарддан бугунлай соғаяди. Афсуски, аҳоли орасида тиббий савия паст. У: «Сил ва қандли диабет касаллигининг илгизи битта» деган фаразани илмий исботлашга ўтди.

тар оғир кечади. Агар олдиндан силга чалиниб, 40 ёшдан кейин қандли диабет қўшилса, унда биринчи хасталик жуда оғирлашади», деган хулосага келди.

У сил ва қандли диабет бирга учрайдиган беморларни даволашда янги усул, тактика алгоритмин яратди. Яқин ўтмишда клиника ёки ҚВЛларда беморнинг бармоғидан қон олиб, қандли диабет микдори аниқланарди. Аммо бемор биринчи тур ёки иккинчи тур қандли диабетта чалинганми аниқланмасди.

Хорижлик олимларнинг таъкидлашича, чет элда, масалан, АКШда силни бошланғич даврида даволаш учун 100-250 доллар сарфланади, агар бемор вақтида даволанмаса ёки даволаш тактикаси маъқул бўлмаса, «турғунлик касб этган сил» дорига мослашиб олади ва 100-250 минг доллар сарфланади.

Маълумки, 1996 йилдан буюн Европа ўпка касалликлар жамияти (унинг штаб квартираси Парижда) фаолият юритади. Ҳар йили кунда жамиятнинг конгресси ўтказилади. Ўзбек олимаси Наргиза Парпиевани ҳар йили жамият анжуманига таклиф этади, у ўз маърузалари билан қатнашиб келади.

Этакчи олима шу соҳада бугунги кунда накин Марказий Осиёда, балки дунёдаги саёнқи мутахассисларнинг биттаси ҳисобланади.

Наргиза Парпиева бугунги кунда республика физиятрия ва пульмонология институти, физиятрия кафедраси мудири, терапия ва эпидемиология бўлими раҳбари, Тошкент тиббиёт академиясининг физиятрия кафедраси мудири лавозимида ишлайди.

Уз навбатда Наргиза Парпиева республикада малакали физиятр кадрлар тайёрлашда фидойилик кўрсатяпти. Бундан 10 йил илгари Талабалар жамиятида физиятр ёзилган қўлёзма сини таҳрир ҳам қилиб қўйишди.

Илмда яратилган кашфиёт амалиётта жорий этилсагина инсониятга наф келтиради. Тадқиқотчи олиманинг ишига Ўзбекистон Фанлар академияси «Ботаника» илмий-ишлаб чиқариш маркази олимлари қизиқиб қолишди.

Илмлар учқур, болалари воғя этишди, ўғиллари «олима она-нинг илмий қораларини бемалол компьютерда теришди, ҳатто «муаллифнинг» инглиз тилида ёзилган қўлёзмасини таҳрир ҳам қилиб қўйишди.

Бокий шажаралар кўп, улар авлоддан авлодга бой маданий мерос қолдирадирлар. — Наргиза истиқлол илмининг меvasи, бугуннинг олими, — дейди академик Нурсат Парпиев. — Сулоламининг олтин халқаси...

Одам борки, дунёдан бахт излайди, саодатга эришишга интилади. Ёши улуглар дуога қўл очди: «Бахтли-саодатли бўл» дейишди. Бугун оқийи ҳаётини бир ҳаққатинанг аниглаб етандайман. Назаримда, бахт — одамнинг тотув оиласида, саодат унинг саломатлигида.

Оламда одам оруз билан тирки. Наргиза хайрлаша туриб: «Ўзбекистонда биринчи физиятр, академик аёл бўлиб орузум бор», деди у жиламайди.

Унга хавасландим... Юрагимга аллақандай ёруғ ўйлар ёпирилиб кирди.

Саида САЙХУН Шавкат АКРАМОВ олган сурат.

ЎзХДП УСТУВОР ЙўНАЛИШЛАРИ БўЙИЧА СИЗНИНГ ФИКРИНГИЗ, СИЗНИНГ ПОЗИЦИЯНГИЗ ҚАНДАЙ?

МЕН НЕГА ХДПНИ ТАНЛАДИМ?

Кўппартиявийлик шароитида партия сафларини тўлдириб бориш осон иш эмас. Бу биринчи навбатда партиянинг обрў-нуфузи, жойлардаги партия фаоллари томонидан олиб бориладиган ишлар, партия гояси ва мафқурасининг ҳалқчиллиги билан боғлиқ.

Шаҳодат БОЙМЕТОВА, Урганч шаҳридаги 9-мактаб ўқувчиси: — Аввало, шаҳар аҳолиси орасида, жумладан ЎзХДПнинг обрў-эйтибори ниҳоятда юқори эканлигини қайд этиб ўтай. Чунки бу партия юксак маънавиятнинг шакллантиришдаги ишда ёш авлодни тарбиялаётган ўқувчилар манфаатларини ифодалашга ва ҳимоя қилишга қочмаётган.

маъқул, деб ўйламайман. Истиқомимиз-йўқимиз бозор иқтисодиёти шароитида аҳолининг маълум бир қисми, айниқса, жисмоний меҳнатга лаёқатсиз фуқаролар ижтимоий муҳофазага муҳтожлик сезадилар. Бу масалаларни давлат идоралари олдида дадил қўйиш, бу борада қонунлар қабул қилинишига эришиш сиёсий партиянинг бирламчи вазифаси бўлса, бундай партияга ҳеч иккиланмай аъзо бўлиш ва унинг Дастури ижроси учун курашмиш ўта савоб ишдир.

«ОЛИМА АЁЛЛАР» ПАРТИЯГА ҲАМКОР

— Бугунги тадбир жуда қизиқарли ўтди, — дейди тиббиёт фанлари доктори, профессор Нодира Зокирова. — Халқимизга қайсидир даражада наф келтирадиган бундай тадбирларни қўпайтиришимиз керак.

Умариб ВАЙСОВ, Хоразм вилояти электр тармоқлари корхонаси ходими: — Эндигина мустакил ҳаётга қадам қўйяпман. Тўғри, баъзилар каби вақтида ишга бориб, вақтида қайтиб, тинчгина умримни ўтказишим мумкин. Бунинг учун ҳеч ким мени айбламайди. Ўз ишимни худлақим бўлди-да. Аммо ёшлик гайратимиз, қўч-қувватимиз, жўшқинлигимиз билан мамлакатимиз сиёсий ҳаётида бизлар қатнашмасак, ким қатнашди? Ахир бугун қилинаётган барча бунёдкорлик ишлари биз — ёшларнинг келажаги учун амалга оширилмаётганини кўришимиз керак.

Санъатбек ЁКУБОВ, виллояти кўнғис маркази дорихонаси

— Партия аҳолининг кам таъминланган қисми манфаатларини, айниқса, ногиронларни қўллашга интилиши тиббиёт ходими сифатида мени бефарқ қолдирмайди. Негаки, экологик мунотаносиблик минтақаси ҳисобланмиш Хоразм воҳаси учун булар ўта долзарб масалалар ҳисобланади. Айрим партиялар тарғиб қилаётган фақат тадбиркорликни ривожлантириш, ишсизликни шу йўл билан тугатиш тўғрисидаги гапларни очигина айтсам унча

Шаҳрихон тумани деҳқонлари ҳар йили Андихон вилоятида биринчилардан бўлиб йиллик шартнома режаларини бажариб келишади. Бу муваффақиятда туман ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларининг ҳам муносиб ҳиссалари бор. Улар ширкат хўжаликлари ҳамда фермерлар ҳуқуқлари ва мулкни ҳимоя этишга жиддий эътибор беришмоқда.



Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

Академик Саримсоқов номли ширкат хўжалиги аъзолари 388 гектар ерга галла экиб, тўлик ундириб олишди. Улар гектарига 70 центнердан ҳосил қўтаришга аҳд қилишган.

Суратда: ширкат хўжалиги ҳисобчиси Мирзараҳмон Мамажонов, туман прокурори, адиб маслаҳатчиси Олимжон Солиев ҳамда ижарачи Неъматжон Муҳаммаджонов галла майсалари пайхон этилишига йўл қўймаслик бора-сида сўхбатлашмоқда.

Мулоҳаза

Суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотларни амалга ошириш жараёнида жавобгарликни эркинлаштиришни назарий ва амалий таҳлил қилмасдан бу борада ечимини топиш лозим бўлган масалаларни ҳал этиш мумкин аҳамияти касб этади. Муаммонинг мураккаблиги шундаки, Собиқ иттифоқ давридан амалдаги қонун ҳужжатларида сақланиб қолган қатъий жавобгарлик нормалари мавжуд эди.

лаштириш лозим. Амнияти актини қўллашда жиноят содир этган шахснинг ҳар томонлама социологик, психологик ва бошқа жиҳатлардан улар ҳулқ-атвориға баҳо бериш лозим. Қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолат сифатида кам аҳамиятли қилмиш тўғри малакалаш мезонларини илмий ва амалий таҳлил этиб, хулосаларни асослантириш керак.

ЖАВОБГАРЛИКНИ МУАММО ВА

ЖИНОИЙ-ҲУҚУҚИЙ ЖАВОБГАРЛИК

Жавобгарликни эркинлаштиришда қўлланиладиган жазо турлари, хусусан, жарима, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, ахлоқ тузатиш ишлари, хизмат бўйича чеклаш, қаноқ, интизомий қисмга жўнатиш, озоликдан маҳрум қилиш қабиларнинг таъминини назарий ва амалий таҳлил қилиш талаб этилмоқда. Жавобгарликка тортишда энг йўқими инсон омилини эътиборга олиш ва мақсадга мувофиқ ҳолда жазо чораларини қўллаш зарур. Айниқса, жиноий қилмиш учун жарима жазосини қўллашнинг механизминини янада такомил-

сабатларга зарар етказганлиги ҳолатларида белгиланади. Мулкий жавобгарлик фуқаролик қонун ҳужжатлари тартибда соладиган муносабатларга узвий боғлиқ. Фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарлик мажбуриятларни бузганлик ва зарар етказганликдан қўра, қарздор мажбуриятни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги туфайли кредиторга етказилган зарарни тўлаши шарт. Агар қонун ёки шартномада зарарни қамроқ миқдорда тўлаш назарда тутилмаган бўлса, ҳуқуқи бузилган шахс ўзига етказилган зарарнинг тўла қоплашини талаб қилиши мумкин.

